


7. ТОМ ВА ТОМҚОПЛАМАЛАР

Том энгил материаллардан иборат бўлиши лозим. Иссиқликдан ҳимоя қилувчи (теплоизоляция) сифатида қамиш, похол ва бошқа энгил материаллар ишлатилиши керак. Том оғир лойдан тайёрланиши тавсия этилмайди, чунки бунда унинг вазни кўпайиб, ер қимирлаганда уйни бузиб юбориши мумкин.


Стропил балкаси антисейсмик камарга бурчакликлар ёрдамида маҳкамланиши керак (7.1 – 7.2-расмлар).

Тўрт нишабли том икки нишабли томга нисбатан афзалроқ ҳисобланади. Икки нишабли томда унинг пештоқларини ғиштдан эмас, балки энгил материаллардан тиклаш тавсия этилади. Том конструкциялари деворларга кериб турувчи куч (ҳавон) ҳосил қилмаслиги учун стропил балкалари бир-бирига тортқи билан боғланиши, бўйлама йўналишда эса шу йўналиш бўйича бикрлигини таъминловчи камида иккита қарама-қарши йўналган тиргаклар бўлиши лозим (7.3-расм).


Томқоплама энгил материаллардан, масалан шифер ёки томбоп тунукадан иборат бўлиши керак.



7.1-расм. Том тўсинлари ва стропил балкаларининг мауэрлат орқали антисейсмик камар билан боғланиши



7.2-расм. Тўсин ва стропил балкаларининг антисейсмик камар билан боғланиши



7.3-расм. Ҳавонни сўндириш учун стропил балкаларининг тортқи билан боғланиши